

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53409-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СУД БУХГАЛТЕРИЯ
ЭКСПЕРТИЗАСИ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия

ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: проф. Хасанов Б. А.,
к.ўқ. Жалолова Д. Р.,
асс. Азизов Ш. Ў.

Тақризчилар: доц. Вохидов С. В.,
доц. Маматов З. Т.

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фанини ўқитилиши республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш зарурияти билан боғлиқ.

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фани бўйича ушбу намунавий дастур давлат таълим стандартларининг (ДТС) барча талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу ўқув фани дастурида жами VI бўлим мавжуд бўлиб, фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, ДТСга мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар машғулотлари бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва ахборот технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, курс иши мавзулари рўйхатлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўрғазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлар ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Введение дисциплины "Судебная бухгалтерская экспертиза" заключается в необходимости организация бухгалтерского учета в нашей республике в соответствии с международными стандартами.

Созданная программа по предмету "Судебная бухгалтерская экспертиза" полностью отвечает требованиям, исходящим от СГО. Программа состоит из 6 частей, в которых содержится следующие сведения: цель и задача дисциплины, связь с остальными предметами, знания и навыки соответствующие СГО, минимальное количество семинаров и практических занятий, применение компьютеров и информационной техники, программа предмета, семинарские занятия, список тем курсовых работ, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинг системе и список используемой литературы.

The necessity of training of the students to the "The court of accounting expertise" consists of the organization of financial accounting in our republic according to the international standards that requires conducting this subject.

The created program of the "Theory of Financial Accounting" subject - completely answers all put requirements. The program consists of 6 parts. They contain the following items:

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standards of State Education), minimum quantity of seminars and practical employment, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги" Фармонида (06. 10. 97) "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар фанлардан дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди.

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фани бўйича тузилган ушбу дастур 5340900- "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналишидаги талабаларига мўлжалланган бўлиб, барча талабаларига жавоб беради.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишиб бориш малакали бухгалтерлар, аудиторлар, солиқчилар ва молиячи мутахассисларини тайёрлаш заруратини туғдирмоқда.

Ўқув режасига мувофиқ бухгалтер ва аудитор мутахассисликларида "Суд бухгалтерия экспертизаси" фанини ўрганилади. Корхона ва хўжаликлардаги

маблағлар ва уларнинг ташкил топиши, бу манбаларининг ҳаракатини, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш, уларни ҳужжатлаштириш, умумлаштириш, корхона ва хўжаликларнинг мулкӣ, молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли маълумотларини шакллантириш ҳамда ҳисоботларни тузишни давлатимиз қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганади.

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фани корхоналарнинг мулкӣ, молиявий фаолиятини ҳисобга олишда ўз усул ва услубиятига эга бўлиши билан биргаликда қуйидаги фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, сабабли бу фанлар ҳам талабаларга чуқур ўргатилади: "Иқтисодиёт назарияси", "Макроиқтисодиёт", "Микроиқтисодиёт", "Статистика", "Аудит", "Молиявий ҳисоб", "Бошқарув ҳисоби", "Иқтисодий таҳлил", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Менежмент", "Маркетинг", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Суғурта иши", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" ва бошқалар.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур мутахассисликда ўқийдиган талабалар "Суд бухгалтерия экспертизаси" фанини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидаги талаблар қуйилади:

- бухгалтер, аудитор мутахассислигини эгалловчи талабалар ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилиши фанларини чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини ҳамда қонунларини мукамал ўрганиши;
- миллий ғурурга, юқори маданиятга эга бўлиши, ўзбек халқининг тарихини билиши;
- мутахассислиги билан боғлиқ фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан, ўрганаётган фанига, ўз ватанига фидойи бўлиши керак.

Фанни ўргатишда мутахассислик кафедраси ўқитувчилари талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда мустақил равишда ўз устида ишлаш кўникмасини шакллантириш маҳоратига эга бўлиши керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш усулларини, талабанинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш керак. Кўпроқ талабаларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш керак.

Фанни ўқитишда компьютер, ахборот ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш

Талабаларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талабага ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳ.к.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фани талабаларга ўқув режаси бўйича VII ва VIII семестрда ўқитилади.

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун талабалар корхона ва хўжаликларда амалиёт ўтайдилар. Ўқув жараёнида аудиторияда ва амалиётда олган билимлари рейтинг усулида ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича талабаларнинг мустақил ўрганиши учун уй вазифалари берилади, уй вазифаларини бажарилганлиги даражаси рейтинг ёрдамида баҳоланади. Талабаларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ва ёзма, тест синов усуллари ҳам қўлланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

"Суд бухгалтерия экспертизаси" фанини ўрганиш бўйича ўқув режасида жами 54 соат белгиланган. Шундан: маъруза 36, амалий машғулот 18 соат. Маъруза ва амалий машғулот, ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ёки уй иши сифатида ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг намунавий мавзулари

Суд бухгалтерия экспертизасининг моҳияти ва вазифалари

Суд ишларида бухгалтерия мутахассисининг иштироқи. Суд бухгалтерия экспертизаси тушунчаси ва унинг турлари. Бухгалтерия экспертизасининг бошқа экспертизалар билан боғлиқлиги Корхоналардаги хўжалик молиявий муносабатларини тартибга солишда суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари.

Суд бухгалтерия экспертизасининг предмети ва методи

Суд бухгалтерия экспертизасининг предмети ва объектлари.

Суд бухгалтерия ҳужжатлари, ишнинг бошқа материаллари, бирламчи ва йиғма ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари. Суд бухгалтерия экспертизасининг методи ва умумий методикаси. Суд бухгалтерия экспертизасининг методик усуллари ва уларни амалга оширишда бажариладиган ишлар. Бухгалтерия ҳужжатларини таққослаш, ҳужжатли текшириш, моделлаштириш ва бошқа усуллар.

Суд бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш

Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий (формалари) шакллари, турлари.

Суд бухгалтерия экспертизаси бюроси ва унинг ишини ташкил этиш. Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишда бухгалтер –экспертнинг бурч ва ҳуқуқлари, унинг ишини ташкил этиш, мутахассис-бухгалтерга тақдим этилувчи масалалар мазмуни.

Суд бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари

Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш асослари ва тартиби. Қўшимча ва иккиламчи суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш. Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишга тайёргарлик ишлари.

Суд бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш

Суд бухгалтерия экспертизасини ахборот билан таъминлаш мазмуни. Суд бухгалтерия экспертизасида изланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ишлаб чиқариш ва молиявий томонларни текшириш.

Суд ишларидаги айбдор ва бошқа шахсларнинг кўрсатмалари, арбитраж материаллари.

Асосий хўжалик молиявий операциялари бўйича суд бухгалтерияси экспертизасининг изланиши

Касса ва банк операциялари бўйича суд бухгалтерия экспертизаси. Товар моддий бойликлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси. Савдо, умумий овқатланиш ва моддий техника таъминотида товар операцияси бўйича суд бухгалтерия экспертизаси. Иш хақи ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини ишлатиш бўйича суд бухгалтерия экспертизаси. Саноатда қурилиш ва бошқа тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш, бажарилган иш ва хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси.

Суд бухгалтерия экспертизаси

Суд бухгалтерия экспертизаси хулосаси тартиби ва унинг мазмуни. Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиб бўлмаслик тўғрисида даололатнома. Суд бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва терговчи томонидан кўриб чиқиш ва ишлатилиши.

Суд бухгалтерия экспертизасининг корхона молиявий хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга таъсири

Корхона ва ташкилотларда ижтимоий мулкни сақлаш, таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари.

Суд бухгалтерия экспертизасининг таклифлари ва уларни бажарилишни назорат қилиш.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ

Суд бухгалтерия экспертизасининг моҳияти ва вазифалари

Суд ишларида бухгалтерия мутахассисининг иштироки ва унинг бошқа экспертлар билан боғлиқлиги. Корхоналардаги хўжалик молиявий муносабатларнинг тартибга солишда суд бухгалтерия экспертизаси вазифалари.

Суд бухгалтерия экспертизасининг предмети ва методи

Суд бухгалтерия экспертизасининг предмети ва объектлари.

Суд бухгалтерия экспертизаси объектлари бухгалтерия ҳужжатлари. Суд бухгалтерия экспертизасининг методи ва умумий методикаси.

Суд бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш

Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий (формалари) шакллари, турлари.

Суд бухгалтерия экспертизаси бюроси. Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишда бухгалтер –экспертни бурч ва ҳуқуқлари.

Суд бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари

Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш асослари ва тартиби. Қўшимча ва иккиламчи суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш. Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишдаги тайёргарлик ишлари.

Суд бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш

Суд бухгалтерия экспертизасини ахборот билан таъминлаш мазмуни. Ишлаб чиқариш ва молиявий томонларни текшириш.

Суд ишларидаги айбдор ва бошқа шахсларни кўрсатмалари, арбитраж материаллари.

Асосий хўжалик молиявий операциялари бўйича суд бухгалтерияси экспертизасининг изланиши

Касса ва банк товар моддий бойликлар савдо, умумий овқатланиш, моддий техника таъминотида товар операцияси бўйича суд бухгалтерия экспертизаси. Иш ҳақининг ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини ишлатиш саноатда қурилиш ва бошқа тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш, бажарилган иш ва хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси.

Суд бухгалтерия экспертизаси

Суд бухгалтерия экспертизаси хулосаси тартиби ва унинг мазмуни. Суд бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва терговчи томонидан кўриб чиқиш ва ишлатилиши.

Суд бухгалтерия экспертизасининг корхона молиявий хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга таъсири

Корхона ва ташкилотларда ижтимоий мулкни сақлаш, таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари.

Суд бухгалтерия экспертизасининг таклифлари ва уларни бажаришни назорат қилиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Талабалар амалий ёрдам тариқасида "Суд бухгалтерия экспертизаси" фани бўйича қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар, слайдалар, кўргазма-намойиш материаллари ва ўқув фильмлари билан таъминланади. Унда: суд медицина экспертизасининг моҳияти, унинг турлари, ўтказиш тартиби ва ҳоказолар ўрганилади.

Талабалар " Суд бухгалтерия экспертизаси" фанини ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни интернет тизимидан, жумладан, қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланадилар:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants);
6. <http://www.uza.uz> (Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари);
7. <http://www.uzreport.com> (Кундалик бизнес янгиликлари);
8. <http://www.referat.ru> (Рефератлар тўплами).

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Адлия вазирликлари Олий ҳўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ва Тошкент Молия Институтинида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 54 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 36 соат маъруза, 18 соат амалий ва семинар дарслар. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралик ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралик баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. "Суд бухгалтерия экспертизаси" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 54 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 21.6 балл, оралик баҳолашга 16.2 балл

ва якуний баҳолашга эса 16.2 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Қонуни. 1996 йил 12 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" 1999 йил 5 февраль.
4. Молиявий ҳисоб. – Т.: КАРАНА ва ПРАГМА корпорациялари, 2000-2001.
5. Остоноқулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси, - Т.: Ўқитувчи, 1993.
6. Хасанов Б., Бобобеков Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси., методик қўлланма. Т.Д.И.У. 2000.
7. Хошимов Б., Хасанов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. кўргазмали қўлланмалар мажмуаси. ТМИ-1993.
8. Қодирхонов С.Б ва бошқалар. Бухгалтерия назарияси бўйича масалалар тўплами. Т.Д.И.У, 1996.
9. Янги счётлар режаси. – Т.: Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2002.
10. Юлдашев С., Хошимов Б., Мухаммад Салим. Основы бухгалтерского учета. Т.Д.И.У - 1997.

Қўшимча адабиётлар

1. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д, Принципы бухгалтерского учета, (под. Ред. В. Соколова). - М.: ФиС, 1994 г.
 2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
 3. Вуд Ф. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.О. Аскери. - М.: ФиС, 1993.
 4. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
 5. Козлова Е. Бухгалтерский учет. - М.: ФиС, 1994.
 6. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. - Мн: Экоперспектива, 1998.
 7. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности. - М.: УРСС, 2001.
 8. Сотиволдиев А., Иткин Ю, Бухгалтерия ҳисоби. - Т.: ПБва АА-2002. 1, 2-томлар.
 9. Хасанов Б., Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан маъруза матнлари. ТМИ-2001.
 10. Ғуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: Мир экономики и права, 2000.
 11. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.
 12. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
 13. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.
 14. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE.- Istanbul-1999.
 15. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comisssion.-1999.
 16. Cost accounting (a managerial emphasis) / USA. Mexico. Or Canada. 2001.
- Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.